

74.30

321

11.43

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш
ва малакасини ошириш республика ўқув-методика Маркази

**«ДЕФЕКТОЛОГНИНГ
КУНДАЛИК КИТОБИ»
(тўплам)**



CH0000033099

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш республика ўқув-методика Маркази**

**«ДЕФЕКТОЛОГНИНГ
КУНДАЛИК КИТОБИ»
(тўплам)**

Тошкент - 2016 йил

Нашр учун масъул: **М.Н.Аъзамова**-ММХҚТМОРУММ директори

Илмий маслаҳатчи: **Л.Р.Мўминова** педагогика фанлари доктори, профессор

Тузувчи ва муаллифлар: **З.М.Умарова**-ММХҚТМОРУММ методисти

Л.Р.Мўминова - педагогика фанлари доктори, профессор

М.Р.Алимтаева-106-Махсус мактаб интернат директори

Г.М.Узокова -Учтепа тум.ХТМФМТТЭБ МТМ методисти.

И.В.Грошева - Ҳамза тумани 272-Махсус МТМ мудираси

Д.С.Мухамедова -Юнусобод тум. 301-МТМ в.б. мудираси

Г.В.Адилова- Юнусобод тум.442-МахсусМТМ дефектологи

Ш.Т.Каримова - Мирзо Улугбек тумани 367-МТМ логопеди.

Тақризчилар: **С.С. Мирҷалиловава**-Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассасалари бўлим бошлиғи

В.С.Раҳманова - Низомий номидаги ТДПУ п.ф.н. проф.

М.Ю.Аюпова - Низомий номидаги ТДПУ п.ф.н. проф.

Р.И.Шамахмудова-Низомий номидаги ТДПУ п. ф. н. проф.

Ҳ.Ж. Калбаева - Республика таълим марказининг методисти.

А.Исмаилова - Наманган шаҳар № 4 маҳсус МТМ логопеди.

М.Ағзамова - Тошкент шаҳар. Мирзо Улугбек тумани

№ 410 Маҳсус МТМ логопеди.

Мухаррирлар: **Ш.Ш.Шомансуров, Н.М.Соатова**

Ўз.РХТВнинг ММХҚТМОРУММарказидаги ИМКнинг 13.09.11 йил 3-сонли навбатдан ташкири йиғилишида нашрга тавсия этилган.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сонли “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги карори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектолог (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед) лар ишини самарали кечишида ёрдам беради.

Қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Халк таълими ва Соғликни саклаш вазирликларининг 2010 йил 17 июлдаги 2121-сонли «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида»ги карори ва Низоми, “Маҳсус ва умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектологлар” учун Йўриқнома, намунавий иш ҳужжатлари ва тиббий-психологик-педагогик комиссиясида юритиладиган иш ҳужжатлари киритилган.

КИРИШ

Хозирги кунда мамлакатимизда алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бўлган болаларга катта аҳамият бериб келинмоқда. Давлатимиз томонидан муаммолар ўрганиб чикилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2010 йил 18 июнданги 117-сонли “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида Низом кабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғликни Сақлаш вазирликларининг 2010 йил 17 июлдаги 2121-сонли «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида» ги қарор қабул қилинди.

Шу кунга кадар маҳсус мактабгача таълим муассасаларида мутахассис дефектолог (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед) ларнинг иш ҳужжатлари тизимли ташкил этилмаганлиги ва хозирги кунда умумтилдаги мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган “Дефектолог лавозими” да фаолият юритиб келаётган дефектологлар ишини тўғри йўлга қўйиб олиш учун ушбу тўпламни яратиш зарурати туғилди.

Ушбу тўплам ҳар бир муассаса дефектологининг кундалик китобига айланиши мақсадга мувоғиқдир. Юқорида келтирилган қарор, Низомга асосан маҳсус ва умумтилдаги мактабгача таълим муассасаларида ривожланишида камчиликлари бўлган болалар билан коррекцион педагогик ишни такомиллаштириш максадида **“Мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектологларниң хукуқий–меъёрий ҳужжатлари тўплами”** яратилди.

Тўплам ўз ичига қўйидагиларни камраб олган:

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2010 йил 18 июнданги 117-сонли “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида давлат маҳсус мактабгача таълим муассасаларини макбуллаштириш масалалари;

• “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасаси тўғрисида” ги Низомда маҳсус мактабгача таълим муассасаси жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуксонлари бўлган болаларнинг таълим-тарбия олишларида ёрдам бериш, уларни англаш имкониятларига мувоғик тарбиялаш ва согломлаштириш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш максадида ташкил этилиши, маҳсус муассасанинг асосий вазифалари, фаолияти ва унданги даволаш-соғломлаштириш жараёнини қандай ташкиллаштириш, таълим жараёнининг катнашчилари ҳамда уларнинг бошқаруви, шунинг билан бирга маҳсус муассасанинг мол-мулки ва молиявий ҳўжалик фаолияти;

• Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Соғликни сақлаш вазирликларининг «Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида» ги қарори 2010 йил 17 июлдан кучга кириб, ушбу қарор билан тасдиқланган Низомда комиссия ўз фаолиятини қарорлар қабул қилишда холислик, очиқлик, ошкоралик ва коллегиаллик тамойилларига

асосланган холда олиб бориши, маҳсус мактабгача таълим муассасасига ёши ҳамда тоифаларига қараб қабул қилиниши, болаларнинг муассасада бўлиш муддати;

• маҳсус ва умумтипдаги мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектологлар учун иш жараёнида зарур бўлган, “Давлат маҳсус ва умумтипдаги мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектолог (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)лар учун Йўрикнома, меъёрий хужжатлар тўплами ишлаб чикилди.

Йўрикномада:

Дефектолог (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед) лар учун умумий тушунча, дефектологларнинг вазифалари, лавозим мажбуриятлари, хукуқлари, мальсумияти ва хонасининг жиҳозланиши, техника ҳавфсизлиги;

иш хужжатларида маҳсус мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи мудира, тарбиячилар ва айнан дефектологлар иш жараёнида юритадиган хужжатлари кенг ёритилган.

Кўрсатиб ўтилган хужжатлардан тўғри, тушунарли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопедлар болаларнинг ҳолати, ривожланиш камчиликларини инобатта олган холда меъёрий хужжатларни очиб бериша ижодий ёндашишлари тавсия этилади.

Маҳсус мактабгача таълим муассасаси мудира, дефектолог (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед), тарбиячилари карор ва Низом, “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасалари дефектолог (сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед) лар ишини ташкил этиш бўйича Йўрикнома”, “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасалари дефектологи юритувчи иш хужжатлари”, “Маҳсус мактабгача таълим муассасалари тарбиячисининг юритувчи иш хужжатлари”, “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассаса кошидаги тиббий-психологик-педагогик комиссияда олиб бориладиган хужжатлар”дан фойдаланиш тавсия этилади. Шу билан бирга маҳсус мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагоглар ҳамкорликда фаолият олиб бориб, иш жараёнида болаларда мавжуд бўлган камчиликларни инобатта олган холда ижодий ёндашиб, мазкур хужжатлардан фойдаланишлари лозим.

Умумтипдаги мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритувчи дефектологлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон карорининг 2, 4 бандлари ва Низомнинг 4 бандига эътибор килишлари, “Мактабгача таълим муассасасида дефектологларнинг иш фаолиятини ташкил этиш бўйича “Йўрикнома”, “Мактабгача таълим муассасаларида дефектолог юритувчи меъёрий иш хужжатлари”дан фойдаланишлари керак.

Тўпламда маҳсус мактабгача таълим муассасаси кошидаги ҳамда тумандаги тиббий-психологик-педагогик комиссияда юритиладиган намунавий хужжатлар қайд қилинган.

Маҳсус мактабгача таълим муассасасига ривожланишида камчиликларга эга бўлган болаларни қабул қилиш куйидагicha олиб борилади:

оиласвий шифохона мутахассисларидан болага берилган хulosаларни отаона тўплаб (йўрикномада кўрсатилган холда), туман тиббий-психологик-

педагогик комиссияга бориб, маҳсус педагоглар кузатуви асосида назоратдан ўтказади. Хулоса асосида бола маҳсус мактабгача таълим муассасасига қабул килинади.

Умумтиппадаги мактабгача таълим муассасасида эшитиши, кўриши ва нуткида енгил камчиликларга эга бўлган болалар аниқланиб, дефектолог томонидан тиббий хулосалар тўпланиб (намунада кўрсатилган ҳолда), рўйхат тузади ва рўйхатни туман тиббий-психологик-педагогик комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Юкорида келтирилган тушунчалар тўпламнинг мазмунини очиб беради.

Кўлланмани тузишда Мактабгача муассасалар ходимларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика йўкув-методика Маркази методисти Д.Т Ташмуҳаммедова, Мирзо Улуғбек туманидаги 410-сонли маҳсус мактабгача таълим муассасасининг мудираси Ф.Г.Нафинова, 137-сонли маҳсус мактабгача таълим муассасаси логопеди Л.Э.Рахмонова, 382-мактабгача таълим муассасаси логопеди З.А.Тошматова, Юнусобод туманидаги 442-сонли маҳсус мактабгача таълим муассасасининг мудираси Ҳ.И.Ташмуҳаммедова, методист Д.И.Султонова, Яккасарой туманидаги 369-маҳсус мактабгача таълим муассасасида фаолият юритувчи дефектолог Е.А.Некрасова, Ш.Имомхўжаев-ларнинг фикр ва маслаҳатлари учун ўз миннатдорчилитимизни билдирамиз.

Кўлланмана дефектологлар фаолиятини такомиллаштиришда ва ишнинг самарали кечишида ёрдам беради деган умиддамиз.

Ҳар бир мутахассис ўз иш фаолиятини вижданан адо этса, ўйлаймизки, келажакда фарзандларимиз соғлом ва баркамол инсон бўлиб етишади.

**“Мактабгача таълим
муассасаларида фаолият
юритувчи дефектологларнинг
ҳуқуқий–меъёрий ҳужжатлари
тўплами”**

**Давлат Махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**

Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти самарадор-лигини ошириш, уларда мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекция ишларини яхшилаш, уларнинг раҳбар ва педагог ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроитисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сон қарорига мувофик Вазирлар Маҳкамаси қарор қилиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғликни саклаш вазирлиги мутахассисларидан шакллантирилган идоралараро ишчи гуруҳ томонидан Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни вакиллари иштирокида жисмоний ёки аклий ривожланишида турли нуксонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари комплекс инвентаризациядан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғликни саклаш вазирлигининг:

махсус мактабгача таълим муассасаларининг сонини, уларнинг ихтисослашуви ва жойлашувини қайта кўриб чиқсан холда, шунингдек, жисмоний ёки аклий ривожланишида турли нуксонлар бўлган болалар контингентидан келиб чишиб, мақбуллаштириш;

умумий типдаги давлат мактабгача таълим муассасаларида махсус гурухларни тугатиш, нутки, эшлиши ва кўришида енгил нуксонлар бўлган болалар тақдирда уларда дефектолог лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низом иловага мувофик тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргалиқда идоралараро ишчи гурухнинг таклифларини ҳисобга олиб ва ушбу қарор талабларига мувофик икки ой муддатда:

давлат махсус мактабгача таълим муассасаларини мақбуллаштириш, жисмоний ва аклий ривожланишида турли нуксонлар бўлган болалар контингенти мавжудлигидан келиб чишиб, тегишли худуд соғликни саклаш

органларининг асосланган статистик маълумотларига қатъий амал қилиб минтакаларда бундай муассасаларни ташкил этиш ёки кайта ташкил этиш;

жисмоний ёки аклий ривожланишида турли нуқсонлар бўлган болалар контингенти мавжуд бўлмаган тақдирда давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларини умумий типдаги мактабгача таълим муассасалари этиб қайта ихтисослаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Белгилаб кўйилсинки:

болаларни давлат махсус мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш Халқ таълими ҳудудий бошкарув органлари ҳузуридаги тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг хulosалари бўйича амалга оширилади;

давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар, педагог ва тиббий ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошлари ва тариф ставкаларига 100% микдорида кўшимча тўлов сакланиб колади.

6. Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргалиқда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ҳафта муддатда давлат мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбиявий ва даволаш-соғломлаштириш фаoliятига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб уларнинг барча турлари учун намунавий штатларни ишлаб чиқсин ва янги таҳрирда тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги давлат махсус мактабгача таълим муассасаларига уларни тиббий ходимлар билан бутлаш, маслаҳат ёрдами кўрсатиш учун малакали мутахassisларни жалб этиш ва даволаш-соғломлаштириш ишларининг замонавий усулларини жорий этишда, шунингдек, ушбу муассасаларнинг тиббий ходимлари малакасини ошириша амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манбаатдор вазирликлар билан биргалиқда бир ой муддатда конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. Мирзиёев

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 18 июндаги
117-сонли карорига
-илова

**Давлат махсус мактабгача таълим муассасаси тўғрисида
Н И З О М**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Таълим тўғрисида”, “Бола хуқукларининг кафолатлари тўғрисида”, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқ жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуксонлари бўлган болаларнинг мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш максадида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида махсус мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда махсус мактабгача муассаса деб юритилади) фаолиятини гартибга солади.
2. Махсус мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг карорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амал қиласди.
3. Махсус мактабгача муассаса жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуксонлари бўлган болаларнинг мактабгача таълим олишларида уларга ёрдам бериш, уларни англаш имкониятларига мувофиқ тарбиялаш ва соғломлаштириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади.
4. Махсус мактабгача муассаса таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси хисобланиб, куйидагилар унинг асосий вазифаларига киради:
 - болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустахкамлаш;
 - боланинг ривожланишидаги нуксонларни зарур тарзда коррекциялаш;
 - бola шахси асосларини шакллантириш, унинг билим олишга бўлган кизиқишлирни ривожлантириш;
 - боланинг интеллектуал, шахс сифатида ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
 - болаларни миллий маданият ва умуминсоний кадриятлар билан таништириш;
 - болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.
5. Махсус мактабгача таълим муассасаси юридик шахс хисобланади, ўз уставига, банк хисоб ракамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва тўлик номи кўрсатилган мухрга, штампларга, ўз номи ёзилган бланкаларга эга бўлади.

II. Махсус мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби

6. Махсус мактабгача муассаса муассис томонидан ташкил этилади ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

7. Куйидагилар:

давлат бошқарув органлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари махсус мактабгача муассаса муассислари бўлиши мумкин.

8. Махсус мактабгача муассаса Коракалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Коракалпогистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги, вилоятлар соғликни саклаш бошқармалари, Тошкент шаҳар соғликни саклаш бош бошқармаси томонидан жисмоний ёки аклий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болалар контингентини биргаликда ўрганиб чиқиш якунлари бўйича ташкил этилади.

Даволаш-согломлаштириш хизматига муҳтоҷ бўлган болалар контингенти мавжуд бўлган тақдирда Коракалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Коракалпогистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги, вилоятлар соғликни саклаш бош бошқармалари, Тошкент шаҳар соғликни саклаш бошқармаси билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисида асосланган таклиф билан мурожаат килади.

Махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисидаги таклиф махсус мактабгача муассасини ташкил этиш таклиф этилаётган минтақада охирги 5 йилда 2 ёшдан 7 ёшгacha болалар орасида тегишли касалликларнинг кўпайтганлигини кўрсатадиган соғликни саклаш органларининг расмий статистика маълумотлари билан асосланиши керак.

9. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ташкил этиладиган махсус мактабгача муассаса жойлаштирилиши мўлжалланаётган худудда болалар мактабгача таълим муассасаларининг жойлашишини мурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир хафта муддатда ўрганиди ва махсус таълим муассасасини жойлаштириш учун фаолият кўрсатаётган болалар боғчалари (яслилар)дан намунавий бинони ёхуд махсус таълим муассасасини ташкил этишга кўйиладиган норматив талабларни хисобга олган холда ишлаб чиқилган махсус лойиҳа бўйича янги бино қуриш учун участкани танлайди.

Ушбу таклиф тегишли асослаш билан биргаликда бир хафта муддатда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тегишли равишда Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлигига, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига киритилади.

10. Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, Коракалпогистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, вилоятлар ҳалқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси билан биргалиқда бир ой муддатда маҳсус мактабгача муассаса ташкил этиши тұғрисидаги таклифни күриб чиқади.

11. Маҳсус мактабгача муассаса ташкил этиши тұғрисидаги карор Коракалпогистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, вилоятлар ҳалқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси ва Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг ижобий хуносалари мавжуд бұлған тақдирда Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳөкиммилеклери томонидан бир ҳаftа муддатда қабул қилинади.

12. Маҳсус мактабгача муассасалар уларнинг ихтисослашувига мувофик күйидеги түрларга бўлинади:

нұтқида оғир нұксонлар бўлған болалар учун маҳсус мактабгача муассаса; эшитища оғир нұксонлар бўлған болалар учун маҳсус мактабгача муассаса; кўришда оғир нұксонлар бўлған болалар учун маҳсус мактабгача муассаса; психик нұксонли (психик ривожланишида кечикиш, акли заиф) болалар учун маҳсус мактабгача муассаса;

таянч-харакатланиш аппаратида нұксонлар бўлған болалар учун маҳсус мактабгача муассаса;

мураккаб нұксонлари бўлған болалар учун маҳсус мактабгача муассаса.

Юкорида кўрсатиб ўтилган типлар бўйича маҳсус мактабгача муассаса ташкил этиши учун тарбияланувчиilar контингенти етарли бўлмаган тақдирда турли нұксонлари бўлған (ривожланишдаги четга чиқишлар) тарбияланувчиilar гурухлари шакллантирилган ҳолда кўп ихтисосли маҳсус мактабгача муассаса ташкил этишига рухсат берилади.

III. Маҳсус мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиши

13. Маҳсус мактабгача муассасаларга мактабгача ёшдаги 2-7 ёшли болаларнинг күйидеги тоифалари қабул қилинади:

нұтқида оғир нұксонлар бўлған болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, руҳий-нуткий ривожланишда оркада колиш);

эшитишида оғир нұксонлар бўлған болалар (I-IV гурух карлик, ёмон эшитувчиilar, орттирилган карлик);

кўришида оғир нұксонлар бўлған болалар (кўзи ожиз болалар, амблиопия ва филайлик, заиф кўрадиганлар).

таянч-харакатланиш аъзосида нұксонлар бўлған болалар (бош мия, бўйин, кўкрак кафаси, умуртка, бўғимлар ва оёклар операцияларининг барча турларидан кейинги ҳолат, барча туғма рахит, жароҳат, куйиш ва кифозлар, лордозлар, кифосколиоз, коматнинг бузилиши, кўкрак кафаси, умуртка ва оёклар деформацияси, ясси оёқ панжаси, оёқ панжалари фалажи; таянч-

ҳаракатланиш аъзоси ривожланиши аномалияси, бўғимлар деформацияси, артозоаритлар, бўгинлар рекурвацияси, жисмоний ривожланишида орқада қолиш;остехондропатия, хондродистрофия; полиомиелит ва менингзоэнцефалитга чалингандан кейин болалар церебрал фалажида, таянч-ҳаракатланиш аъзоларининг барча патологиялари, гемиопорезлар, плегиялар, монопорезлар, Эрб-Дюшен фалажи, полирадикулоневритлар);

психик ривожланишда орқада қолаётган болалар (аклий орқада қолиш, жиддий аклий орқада қолиш, психик ривожланишнинг кечикиши);

нуқсонлари мураккаб бўлган болалар (ривожланишида 2 ва ундан ортиқ нуқсонига эга бўлган болалар).

14. Махсус мактабгача муассасаларга болаларни кабул килиш тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг хулосаси асосида амалга оширилади.

Махсус мактабгача муассасада канча бўлиш ва болалар билан коррекция олиб бориш муддати тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг хулосасида белгиланади.

Ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган тоифаларга мувофиқ бўлмаган болаларни махсус мактабгача муассасага қабул килиш катъян тақиқланади.

15. Жисмоний ёки аклий ривожланишида турили нуқсонлар бўлган болаларнинг таълим олиши ва даволаш орқали соғломлаштирилиши қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

таълим, тарбия ва даволаш (соғломлаштириш)нинг коррекцион йўналтирилганлиги;

таълим ва тарбиянинг махсус методологиясидан фойдаланиш; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга табақалаштирилган ҳолда ёндашиш.

16. Махсус мактабгача муассасада таълим ва тарбияни ташкил этиш болаларнинг индивидуал хусусиятлари хисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Махсус мактабгача муассаса белгиланган давлат нормативларига, мактабгача таълимга ва даволашга кўйиладиган талабларга мувофиқ болаларни тарбиялаш, ўқитиш, караш, парвариши килиш ва соғломлаштиришни таъминлайди.

Махсус мактабгача таълим муассасада таълимнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Махсус мактабгача муассаса ўзининг дастурларидан (муаллифлик дастурларидан) фойдаланиш хукуқига эга. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади:

17. Махсус мактабгача муассасада гурухларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва уларнинг ёшига (икки ёшдан бошлаб ва ундан катта ёшдаги болалар) қараб ва тегишли равища қўйидагича тарзда белгиланади:

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун-10-12 бола;

факат 3 ёшдан катта бўлган нутқида фонетик-фонематик нуқсонлар бўлган болалар учун-12-15 бола;

кар болалар учун-8 бола;

яхши эшитмайдиган болалар учун-10-12 бола;

кўзи ожиз болалар учун-6 бола;

яхши кўрмайдиган болалар, амблиопия, ғилай болалар учун-6-10 бола;

таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуксонлар бўлган болалар учун-6-10 бола;
З ёшгача интеллектида нуксонлар бўлган болалар (аклий қолоклик) учун-6 бола;
уч ёшдан катта ёшдаги жиҳдий аклий орқада колган болалар учун-10 бола;
сил интоксикацияси мавжуд бўлган болалар учун-15-20 бола;
тез-тез касалликка чалинадиган болалар учун -15-20 бола;
нуксонлари мураккаб бўлган (икки ёки ундан ортик нуксонлар) болалар
учун-8-10 бола.

ривожланишида бошқа четга чиқишилар бўлган болалар учун (эндокрин
касалликлар)-15-20 бола;

IV. Махсус мактабгача муассасада даволаш-соғломлаштириш жараёнини ташкил этиш

18. Жисмоний ёки аклий ривожланишида турли нуксонлар бўлган болаларни
соғломлаштиришга йўналтирилган даволаш-соғломлаштириш, муассасада
штатдаги тиббиёт ходимлари ёки соғликни саклаш муассасаларининг уларга
бирақтирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.
19. Махсус мактабгача муассасанинг тиббиёт ходимлари томонидан
касалликлар кайталанишининг олдини олишга ва болалар соғлигини яхшилашга
йўналтирилган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади.
20. Даволайдиган жисмоний тарбия буйича машгулотлар даволайдиган
жисмоний тарбия инструктори ёки тегишли тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи
томонидан ўтказилади.
21. Даволаш курсида белгиланган тиббий соғломлаштириш муолажаларини
қабул килиш машгулотлар жадвали келишилган ҳолда ҳар бир бола учун якка
тартибда режалаштирилади.
22. Махсус мактабгача муассасада ҳар бир болага тиббий карта тутилади, бола
махсус мактабгача муассасада бўлиши муддати тамом бўлгандан кейин ундан
қўчирма яшаш жойидаги даволаш муассасасига, ота-оналарга ёки ота-оналар
ўрнини босувчи шахсларга берилади.
23. Махсус мактабгача муассасада барча соғломлаштириш ва реабилитация
тадбирларининг тўғри гашкил этилиши ва олиб борилиши устидан назорат
махсус мактабгача муассаса жойлашган ҳудуддаги соғликни саклаш органлари
томонидан амалга оширилади.
24. Махсус мактабгача муассасаларни тиббий ходимлар билан бутлаш туман
(шахар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда амалга оширилади.

V. Тайлим жараёнининг қатнашчилари

25. Тарбияланувчилар, педагоглар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар, ота-
оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар махсус мактабгача муассасада
тайлим жараёнининг қатнашчилари хисобланади.
26. Махсус мактабгача муассаса тарбияланувчилари бепул мактабгача тайлим
олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасида махсус
мактабгача муассаса учун тасдикланган санитария коидалари ва нормаларига

мувофик белул овқат билан таъминланиш, турли тадбирларда катнашиш хукукига эгадир.

27. Махсус мактабгача муассаса тарбияланувчиларининг бошка хукук ва мажбуриятлари қонун хужжатларида ва махсус мактабгача муассаса уставида белгиланади.

28. Тегишли ихтисосли маълумотта, касб тайёргарлигига юксак маънавий фазилатларга эга бўлган шахслар махсус мактабгача муассасада педагогик ва тиббий фаолият билан шуғулланиш хукукига эга бўлади.

29. Ота-оналар ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар махсус мактабгача муассасанинг таълим-тарбиявий фаолияти, ўз болаларига берилаётган таълим ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам билан танишиш хукукига эгадир.

VI. Махсус мактабгача муассасани бошқариш

30. Махсус мактабгача муассасага мудир бевосита рахбарлик қиласи. Махсус мактабгача муассаса мудирини ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган холда халқ таълими ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Махсус мактабгача муассаса мудири билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Махсус мактабгача муассаса мудири лавозимига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

31. Мудир махсус мактабгача муассаса номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, махсус мактабгача муассасанинг мол-мулкини қонун хужжатларида белгилангандар тартибда бошқаради ва шартномалар тузади.

32. Мудир:

Махсус мактабгача муассаса ваколатига кирадиган масалалар бўйича карорлар қабул қиласи ва махсус мактабгача муассасага юклangan вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ваколатлари доирасида махсус мактабгача муассасанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ўкув-моддий базани мустаҳкамлаш, ўкув-тарбия ишларини тақомиллаштириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ва махсус мактабгача муассаса фаолиятининг бошка масалалари билан боғлиқ алоҳида масалаларни ҳал этишга доир тақлифларни Халқ таълими тегишли органларининг кўриб чиқиши учун киритади;

педагоглар, тиббиёт ходимлари ва бошка ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

конун хужжатларига мувофик бошка ваколатларни амалга оширади.

33. Махсус мактабгача муассасада педагогика, методика ва васийлик кенгашлари шакллантирилади ва фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

VII. Махсус мактабгача муассасанинг мол-мулки ва молия ҳўжалик фаолияти

34. Махсус мактабгача муассаса фаолиятини молиялаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ҳаджалари ва мақсадли бадаллари;

конун хужжатларида такиқланмаган бошка манбалар хисобига амалга оширилади.

Давлат махсус мактабгача муассасаси тарбияланувчилари таъминоти ва ўқиши учун ота-оналардан ёки ота-оналарнинг ўрнини босадиган шахслардан тўлов ундирилтмайди.

35. Махсус мактабгача муассасаси махсус мактабгача муассаса томонидан тасдиқланган ва конун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли худудий молия органларида рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

36. Штат жадвали конун хужжатларида белгиланган тартибда намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

37. Махсус мактабгача муассаса ҳодимларининг иш ҳаки конун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

38. Махсус мактабгача муассаса тарбияланувчилари Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария коидалари ва нормаларига мувофиқ махсус мактабгача муассаса учун озиқ-овқат махсулотларини истеъмол килишнинг ўртача суткали рационал нормалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобига озиқ-овқат билан таъминланади.

39. Махсус мактабгача муассаса конун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларига молиявий ва статистика хисоботи тақдим этади.

40. Махсус мактабгача муассасанинг молия-ҳўжалик фаолияти устидан назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиши бош бошкармаси ва унинг худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

VIII. Яқунловчи қоида

41. Махсус мактабгача муассасани қайта ташкил этиш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига
руйхатдан ўтказилган**

2010 йил 17 июль

2121-сон.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Соғликни Сақлаш Вазирлиги
“Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
ҚАРОР**

2010 йил 27 июлдан кучга кирган.

**Тиббий - психологик – педагогик комиссиялар
тўғрисидаги низом**

I. Умумий қоидалар

Комиссия Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрининг туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида тузилади. Комиссия ўз ишини жамоатчилик асосида юритади.

Комиссия ўз фаолиятини қарорлар қабул қилишда холислик, очиклик, ошкоралик ва коллегиаллик тамойилларига асосланган ҳолда олиб боради.

Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасасига (кейинги ўринларда муассаса деб юритилади) 2-7 ёшдаги болаларнинг куйидаги тоифалари қабул килинади:

нуткида оғир нуксонлар бўлган болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, руҳий-нуткий ривожланишда оркада қолиш);

эшитища оғир нуксонлар бўлган болалар (I-IV гурух карлик, ёмон эшитивчилар, орттирилган карлик);

кўришида оғир нуксонлар бўлган болалар (кўзи ожиз, амблиопия ва гилайлик, заиф кўрадиганлар);

таянч-харакатланиш аъзосида нуксонлар бўлган болалар;

психик ривожланишда оркада колаётган болалар (аклий оркада қолиш, жиддий оркада қолиш, психик ривожланишининг кечикиши);

II. Комиссиянинг мақсад ва вазифалари

Комиссиянинг мақсади 2 ёшдан 7 ёшгacha жисмоний ёки аклий ривожланишида нуксонлари бўлган болаларни аникдаш ва уларни тегишиб типлар буйича муассасага жойлаштиришдан иборат.

Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари хисобланади:

926247

жисмоний ёки аклий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) иштироқида кўрикдан ўтказиш;

жисмоний ёки аклий ривожланишда нуқсони бўлган болаларни кўрикдан ўтказишда улар билан бевосита мулокот килиш ва улардаги нуқсонларни тасдикловчи хужжатларни ўрганиш;

боланинг жисмоний ёки аклий ривожланишидаги нуқсонлари ҳакида яшаш жойидаги шифохона шифокорлари томонидан қўйилган ташхисни ишончлилигини ўрганиш;

боланинг жисмоний ёки аклий ривожланишидаги нуқсонига қўйилган ташхис тасдиғини топса, уларни тегишли типлар бўйича муассасаларга юбориш;

жисмоний ёки аклий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни муассасада канча бўлиш муддатини белгилаш;

туман (шахар) тиббиёт бирлашмалари билан ҳамкорликда жисмоний ёки аклий нуқсони бўлган болалар ҳакида маълумотларни аниклаш ва хисобини юритиш.

III. Комиссия таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш

Комиссия Корабалпогистон Республикаси Халқ таълими ва соғликни сақлаш вазирликлари, вилоятлар халқ таълими ва соғликни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими ва согликни сақлаш Бош бошқармаларининг кўшма буйрукларига асосан ташкил этилади.

Туман (шахар) Халқ таълими бўлими мудири-комиссия раиси, туман (шахар) тиббиёт бирлашмасининг оналик ва болаликни муҳофаза килиш бўйича бошлик ўринбосари-комиссия раисининг ўринбосари хисобланади.

Комиссия раиси:

- комиссия ишини ташкиллаштиради;
- иш жадвали ва режасини тасдиклади;
- комиссия йигилиши бўладиган сана, вакт ва жойини белгилайди;
- комиссия йигилишларида раислик киласи;
- комиссияга юқлатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича комиссия аъзолари фаолиятини мувофикалаштиради,
- комиссия фаолиятида раҳбарликни амалга оширади.
- Комиссия таркибига олий маҳсус психологик-педагогик маълумотга ҳамда 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган психоневролог, педиатр, дефектолог (логопед, сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог), психолог, ортопед, окулист шифокорлар киритилади.
- Комиссияда иш юритишини ташкил этиш котиб томонидан амалга оширилади. Туман (шахар) халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлимининг мактабгача таълим бўйича мутахассиси комиссия котиби хисобланади.

- Комиссия аъзолари комиссия ишида иштирок этади. Комиссия томонидан қарор қабул килишда овоз беради. Комиссиянинг ҳар бир овозга эга бўлади, уларнинг овозлари тент бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.
- Комиссия йигилиши натижасида қарор қабул килади ва у баённома шаклида расмийлаштирилади. Баённома комиссия раиси, раис ўринбосари, аъзолари ва котиб томонидан имзоланади.

IV. Комиссия томонидан ҳужжатларни қабул килиш ва қўриб чиқиш

Комиссия хulosасини олиш учун ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- боланинг тугилганлиги ҳақидаги гувохнома нусхаси (икки нусхада)
- боланинг отаси ёки онасининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) паспорти нусхаси (икки нусхада);
- яшаш жойидаги психоневролог, дефектолог, отолоринголог, ортопед, окулист шифокорларнинг бола нутқидаги нуксони, унинг эшлиши ва кўриш, таянч-ҳаракатланиш аъзосидаги нуксонлари бўйича қўйилган ташхислари (асли ва нусхаси);
- бола умумий типдаги муассасага катнаган бўлса, унинг жисмоний ёки ақлий ривожланишига берилган, муассаса мудирийнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган тавсифнома (асли ва нусхаси);
- Комиссияга юборилаётган болаларга яшаш жойидаги шифокор (тор мутахассислар) лар томонидан қўйилган ташхис шифохона бош шифокори (у бўлмаган ҳолларда унинг ўринбосари) нинг имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Комиссияга тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига уни имзолаган шифокор (тор мутахассис) ва тасдиклаган бош шифокор (унинг ўринбосари) (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) шахсан жавобгар хисобланади.

Комиссия аъзолари томонидан жисмоний ёки ақлий ривожланишда нуксони бўлган болаларни кўриқдан ўтказишида улар билан бевосита мулокот килишда ва улардаги нуксонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш натижасида уларнинг нуксонига қўйилган ташхис тасдиғини топса, уларни тегишли типлар бўйича муассасаларга юбориш юзасидан хulosалар берилади.

Комиссия карорига асосан ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га бир хафта мудатда хulosса беради.

Хulosада болага қўйилган аник ташхис ва муассасада бўлиш муддати кўрсатилади.

V. Болаларнинг муассасада бўлиш муддати

Нутқида оғир нуксонлар бўлган болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, рухий-нутқий ривожланишда оркада қолиш) муассасада 3 ёшдан бошлаб икки йилгача бўлишлари мумкин.

Комиссия боланинг муассасада бўлиш муддати тугагандан сўнг, боланинг шу муассасада қолиш муддатини узайтириши ёки умумий типдаги муассасага ўтказилишини ҳал қиласди.

Мазкур низомнинг 24-бандида назарда тутилган тоифадаги болалардан бошқа тоифадаги болалар муассасада муддатсиз бўлишларн мумкин.

VI. Якуний қондалар

Комиссия фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғликни саклаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**ДАВЛАТ МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ДЕФЕКТОЛОГ
(СУРДОПЕДАГОГ, ТИФЛОПЕДАГОГ,
ОЛИГОФRENOPEDAGOG, ЛОГОПЕД)ЛАР
ИШИНинг ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

**Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасида дефектолог
(сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)
фаолиятини ташкил этиш бўйича**

ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий тушунча

1.1. Дефектолог ўзининг иш фолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тұғрисида”ги Қонун, «Бола ҳукуклари тұғрисида Конвенция», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат маҳсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги 117-сонли қарори ва низоми, муассаса Устави, «Мактабгача ёшдаги болаларни ҳаёт хавфсизлігінің мухофаза килиш йўрікномаси»га асосланади.

1.2. Дефектолог ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг карорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг карорлари ва фармойишлари, ушбу Низом ҳамда ўз уставига амал қиласди.

1.3. Мазкур Йўрікнома маҳсус турдаги мактабгача таълим муассасаларида дефектолог ишини тұғыр ташкил этишига йўналтирилган. Дефектолог муассаса мутахассислари билан ҳамкорликда ривожланишда камчиликларга эга бўлган болалар билан коррекцион-педагогик ишларни олиб боради ва улар ҳакида маълумотларни тўплайди.

1.4. Дефектологнинг умумий иш вакти ҳафтасига 24 соат бўлиб, кунига 4.48 дакикани ташкил этади. Иш кунининг 4 соати факат болалар билан коррекцион-педагогик иш олиб боришга қаратилади, колган дакика иш хужжатлар билан ишлаш учун ажратилади.

1.5. Дефектологнинг асосий вазифасига оғир нутқ камчиликларига эга бўлган (алалия (сенсор алалия, матор алалия), болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, руҳий-нутқий ривожланиши орқада колиши), руҳий ривожланиши орқада колган болалар, ақлий ривожланиши орқада колган, қар ва заиф эшигувчи, кўр ва заиф кўрувчи, болалар церебрал фалажи (БЦФ) бўлган болалар билан коррекцион-педагогик ишни олиб боради.

1.6. Маҳсус мактабгача таълим муассасасида болаларга таълим-тарбия бериш билан бирга соғломлаштириш ишлари олиб борилади ва унинг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- болалар соглигини мухофаза килиш ва мустаҳкамлаш;
- боланинг ривожланишидаги нүқсонларни зарур тарзда коррекциялаш;
- бола шахси асосларини шакллантириш, унинг билим олишга бўлган кизикишларини ривожлантириш;
- боланинг интеллектуал, шахс сифатида ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
- болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш,
- болаларни мактабга ўқишига тайёрлаш.

1.7. Дефектолог коррекцион-педагогик ишига тарбияланувчиларни ривожланишидаги камчиликларини бола қабул қылган кунидан бошлаб 15 кун текшируйдан үтказади ва 15 майдан 30 майгача олиб борилган коррекцион-педагогик иш натижаларини таҳлил килишини амалга оширади.

1.8. Дефектолог болаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, камчиликларига, тиббий ташхисига караб машғулотлар давомийлигини белгилайди ва маҳсус машғулотлар жадвалини ишлаб чиқади.

1.9. Маҳсус мактабгача таълим муассасасида кабинет ташкил этилиб, унда дефектолог иши учун зарур бўлган барча шароит яратилади.

1.10. Болаларнинг камчиликлари бўйича ривожлентириш ишлари ҳафта давомида режа асосида олиб борилади. Машғулотлар асосан фронтал, кичик гурухли, якка тарзда ташкил этилади. Иш соатининг 4 соат вакти факат болалар билан коррекцион-педагогик иш олиб боришга йўналтирилади.

1.11. Маҳсус мактабгача таълим муассасасида тарбияланышдан мустасно бўлган болалар ҳалқ таълим тизимининг шунга мос муассасалари ёки соғлини саклаш ҳамда ижтимоий таъминот тизими муассасаларига юборилади.

1.12. Гурухни бир хил ташхисли болалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1.13. Оғир нутқ камчиликларига эга бўлган болалар муассасага 3 ёшдан қабул қилиниб, икки йил муддат давомида коррекцион-педагогик иш олиб борилади ва икки йилдан сўнг қайта туман тиббий-психологи-педагогик комиссияга юборилади. Комиссия болани маҳсус муассаса дефектологи томонидан берилган тавсифнома асосида муассасада қолиш ёки умумий типдаги муассасага боришини ҳал қиласди.

1.14. Эшлиши, кўриши, ақлий камчилиги бўлган, болалар церебрал фалажи, мураккаб нуксонли болалар маҳсус муассасага икки ёшдан қабул қилиниб, 4 йил ёки мактабга кетгунга қадар бўлган даврни туман тиббий-психологи-педагогик комиссия аниқлади ва муддат белгилайди.

1.15. Бир катор патологик шаклларда ақлий камчиликлари, кўриш нуксонлари, енгил даражадаги эшлишида камчилиги, таянч ҳаракат аппаратидаги нуксонлари бўлган болаларда кузатиладиган, нутқ камчиликларини маҳсус мактабгача таълим муассасалари шароитида сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагоглар логопед мутахассиси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

II. Маҳсус муассаса дефектологи

(сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)

2.1. Маҳсус муассаса раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексига биноан мөхнат шартномаси асосида дефектолог тўргта йўналиш, яни сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед мутахассислиги бўйича маҳсус муассасаларда иш фаолиятини олиб боради, муассаса раҳбари томонидан ишига қабул қилинади ва бўшатилади.

2.2. Дефектолог олий маҳсус маълумотига эга бўлиши лозимdir.

III. Дефектологнинг вазифалари

(сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)

- 3.1. Дефектолог болалардаги камчиликларни аниклаб, тўғри коррекцион-педагогик фаолият олиб боради.
- 3.2. Турли нуксони бўлган болаларнинг нуксонига қараб аниклаш, уларни тўғрилаш бўйича коррекцион-педагогик ишни режалаштиради.
- 3.3. Дефектолог тарбияланувчиларда аникланган психик ривожланишдаги муаммоларни бартараф этиш устида иш олиб боради.
- 3.4. Камчиликлари аникланган болалар ташхисига қараб коррекцион-педагогик ишни режалаштиради ва муассаса педагоглари (музиқа раҳбари, жисмоний тарбия йўрүкчиси, психолог, тарбиячи), психоневролог, шифокорлар, ота-оналар билан ҳамкорликда иш юритади.
- 3.5. Дефектолог ўз устида мунтазам ишлайди.

IV. Лавозим мажбуриятлари

(сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)

- 4.1. Ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг нуксон, камчиликларини аниклаб, ташхис қўяди, маҳсус мактабгача таълим муассасасида бўлиш муддатини назорат килиб боради.
- 4.2. Хулоса асосида қабул килинган болаларнинг ташхисини ўрганиб, текширади ва ташхис қўяди. Агар ташхиси мос келмаса, туман-тиббий-психологик-педагогик комиссияга кайта кўрикка юборади.
- 4.3. Таълим олувчи тарбияланувчиларнинг камчилигига қараб гурухларни шакллантиради.
- 4.4. Фронтал, кичик гурухли ва якка тартибдаги машғулотларда нуткни коррекциялади, аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича иш олиб боради.
- 4.5. Фронтал машғулотлар болаларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган ҳолда 10 дакикадан 30 дакикагача давом этади. Ёши, ташхисининг бир хиллигига кўра болалар кичик гурухчали машғулотларга жалб этилади. Якка машғулотлар ҳар куни ҳар бир бола билан 15-20 дакикадан кам бўлмаган давомийликда олиб борилади. Кунига 4-5 та бола билан якка тартибда коррекцион педагогик иш олиб борилади.
- 4.6. Муассаса педагоглари билан ҳамкорликда ишлаб, машғулотлар давомида биргаликда фаолият юритадилар. Педагогик жараённи кузатади.
- 4.7. Ривожланишида камчилик бўлган болалар ота-оналарига, педагогик ходимларга коррекцион-педагогик усулларни кўллаш бўйича маслаҳатлар беради. Ҳафтада бир маротаба мудира билан келишилган ҳолда ота-оналар билан мулокотда бўлиш учун куннинг иккинчи ярмигача ишлаш тавсия этилади (белгиланган ҳафталик соатдан келиб чиккан ҳолда)
- 4.8. Зарурий ҳужжатларни белгиланган тартибда юритади.
- 4.9. Ўзининг умумий маданияти шаклланиши, касбга оид дастурларни онгли равишда танлаши ва уни амалда татбик этишга интилади.

- 4.10. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйилган Давлат тараблари доирасида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган холда коррекцион-педагогик иш усулларини кўллаб, таълим жараёнини ташкил этади.
- 4.11. Болалардаги камчилиги (эшитиши, кўриши, нутки, интелект) ни зътиборга олган холда маҳсус тайёрланган дастур асосида ўз фаолиятини олиб боради.
- 4.12. Мутахассислик бўйича ҳар 3 йилда мунтазам равишда ўз малакасини ошириб боради.
- 4.13. Туман, шаҳар миқёсида методик уюшмалари фаолиятида қатнашиб, иш тажриба алмашади.
- 4.14. Таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган хафтасига 24 соатдан иборат иш тартибига биноан фаолият юритади.
- 4.16. Ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчилар билан ҳамкорликда иш олиб боради.
- 4.17. Таълим жараёнида болалар ҳаёт хавфсизлигини таъминлайди.
- 4.18. Техника ва ёнгин хавфсизлиги ўрнатилган тартиб ҳамда коидаларга риоя килади.
- 4.19. Коррекцион-педагогик фаолиятга жавоб беради ва бу борада иш олиб борилган болаларнинг эришган ютук кўрсаткичларини ўқув йили давомида ҳар чорақда назорат килиб боради.
- 4.20. Муассасада меҳнат интизоми ва ички тартиб коидаларига риоя килади.
- 4.21. Таълим бошқарув органлари, маҳаллий хокимият томонидан жорий этилган меъёрий-хужжат ва буйрукларнинг ижросини таъминлайди.
- 4.23. Болалар ҳаёт хавфсизлигининг муҳофазасини таъминлайди.
- 4.24. Санитария-гигиена коидаларига риоя килади.

V. Дефектолог ҳуқуқлари: **(сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)**

- 5.1. Ўзбекистон Республикасининг конунлари билан белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланиш.
- 5.2. Муассаса тадбирларида иштирок этиш ва таълим жарёнининг турли босқичларини кузатиш.
- 5.3. Ўз малақасини мунтазам ошириш.
- 5.4. Педагог ходимлар аттестация тартибига биноан даврий аттестациядан ўтиш.
- 5.5. Меҳнат таътилига 48 иш куни хисобидан чиқиш.

VI. Дефектолог кабинетининг жиҳозланиши **(сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог, логопед)**

Дефектолог кабинетида кўйидагилар бўлиши зарур:

Дефектологнинг мудира томонидан тасдиқланган машғулотлар жадвали ва иш тартиби ҳақида маълумот;

Кичик гуруҳда ишлаш учун болалар сонига етарли ўриндик ва столлар (4-5 бола учун);

методик адабиёт, дидактик материал, күргазмали куролларни сақлаш учун китоб жавонлари;

дераза ёнида ўрнатилган 50x100 см катталиқдаги тош ойна

кичик гурухда ишлаш учун болалар сонига етадиган 9x12 см катталиқдаги ойначалар;

тош ойна олдида 2-3 нафар бола билан якка тартибда ишлаш учун кичик стол ва ўтиргичлар;

логопедик зондлар тұплами, уларни тозалашга мұлжалланған маҳсус заарасызлантирувчи суюқлик;

техник воситалар (магнитофон, видеоплеер, компьютер);

әшитиш аппаратлари (әшитища нұксони бұлған болалар учун);

сенсор ривожлантирувчи үйінчилар;

ёритгичлар (күзіда камчиліги бұлған болалар учун)

расм чизиш учун маҳсус мослама (мольберт), расм ва иллюстрацияларни томоша килиш учун стол усти мосламаси (күзи ожиз болалар билан ишлаш учун);

харфлар деворий кассаси;

болаларни текшириш учун зарурий күргазма ва дидактик материаллар;

текшириш альбомлари ва жиҳозлар;

таълимий үйин ва жиҳозлар мажмуди;

методик адабиётлар;

ота-оналар учун мавзуулы буқламлар, ахборот ва тавсия күргазмалари;

құл ювиш учун зарурий шароит;

сочик, совун ва дастрұмлар;

дефектолог кабинетининг паспорти.

VII. Техника хавфсизлиги

9.1. Дефектолог болалар соғлиги, техника ва ҳаёт хавфсизлиги бүйіча йүрікномаларни билиши, уларға риоя этиши, мәжнат ҳамда ишлаб чиқариш тартибига қатый амал килиши шарт.

9.2. Мәжнатнинг хавфсиз усууларини ұрганиш ва такомиллаштириб бориши.

9.3. Иш вактида бағтасын қардасаларни көлтириб чиқариши мүмкін бұлған камчиликларни тезда бартараф этилишига әришиш.

9.4. Электр ускуналаридан тұғри фойдаланиш бүйіча йүрікномага амал килиш, йүл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва санитария ҳамда шахсий гигиена мейෝларига риоя этиши.

Иш бошлашдан аввал:

- құлларни тозалаб ювиш;
- иш учун барча зарурий нарсаларни тайёрлаш;
- логопедик зондлар стериллігини таъминлаш ва стерилизаторда қайнатиши;
- этил спирти билан ишлов берилиши шарт.

**ДАВЛАТ МАХСУС МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ДЕФЕКТОЛОГИНИНГ ЎРИТУВЧИ ИШ
ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Махсус мактабгача таълим муассасасида нутқида оғир нұксонлар
бўлган ва руҳий ривожланишида орқада колган болалар билан
юритиладиган иш хужжатлар**

№	Юритиладиган хужжатлар номи	Иш индекси	Сакланиш муддати
1	Истиқбол режа	15-01	5 йил
2	Боланинг ривожланишини текшириш харитаси	15-02	5йил
3	Фронтал машғулотлар кундалик режаси	15-03	5 йил
4	Якка машғулотлар кундалик режаси	15-04	5 йил
5	Ҳамкорлик дафтари	15-05	1 йил
6	Логоритмика машғулотлари режаси	15-06	3 йил
7	Үй вазифаси дафтари	15-07	3 йил
8	Боланинг ривожланиш таҳлил журнали	15-08	3 йил
9	Ўз устидаги ишлар	15-09	3 йил
10	Йиллик хисобот	15-10	3 йил

1- иловा

“ТАСДИКЛАНДИ”

ММТМ мудираси: _____
“ ” - 201 ____ й.

ИМЗО

Машгүлттәр жадвали (намунивай)

Хафта күнләри	Иш вакти	Фронтал машгүлт	Якка машгүлт	Ота-оналар учун машгүлт
Душанба	- _____ - _____ дан гача			
Сешәнба	- _____ - _____ дан гача			
Чоршанба	- _____ - _____ дан гача			
Пайшанба	- _____ - _____ дан гача			
Жұма	- _____ - _____ дан гача			

